



2006 йил
1 апрель куни
Ўзбекистон
Халқ
демократик
партияси
Марказий
Кенгашининг
IV пленуми
бўлиб ўтди

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг IV пленуми тўғрисида АХБОРОТ

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 1 апрель куни Оқсаройда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг амалдаги раиси, Бельгия Қироллиги ташқи ишлар вазири Карел де Гюхтни қабул қилди.

— Сиз нафақат ЕХҲТнинг амалдаги раиси, айни пайтда Бельгия ташқи ишлар вазири сифатида ҳам Ўзбекистонга ташриф буюрдингиз, — деди Ислам Каримов. — Бу мамлакат билан муносабатларимиз доим яхши бўлган. Сизнинг ташрифингиз Ўзбекистондаги ва бутун Марказий Осиё минтақасидаги вазият ҳамда бу ерда кечаётган жараёнлар билан яқиндан танишиш учун қулай имкониятдир.

Бельгия ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбари Карел де Гюхт ЕХҲТнинг амалдаги раиси сифатида ilk бор Ўзбекистонга расмий ташриф буюрди. У мазкур лавозимда жорий йилнинг 1 январидан бошлаб фаолият кўрсатмоқда.

Халқаро сиёсий ва иқтисодий майдонда энг аҳамиятли марказлардан саналган Бельгия Қироллиги Европа ва Трансатлантика институтларида муҳим ўрин тутиб келмоқда. Бельгия мамлакатимизга минтақадаги етакчи давлат сифатида қарайди ва Марказий Осиё билан муносабатлар доирасида Ўзбекистон билан ҳамкорликка устувор аҳамият қаратади. Айни чоғда Бельгия Ўзбекистоннинг Европадаги энг йирик савдо-иқтисодий шерикларидан.

ЕХҲТга жорий йилда Бельгия Қироллиги раислик қилмоқда. Бу даврда ташкилотга аъзо давлатларда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ЕХҲТни ислоҳ қилиш, иқтисодий ва экология масалаларига эътиборни кучайтириш орқали ушбу тузилма фаолиятида мутаносибликни таъминлаш, транспорт коммуникациялари соҳасида ҳамкорлик, уюшган жиноятчиликка қарши кураш каби масалалар устувор этиб белгиланган.

Карел де Гюхт Ўзбекистон билан тенг ҳуқуқли ҳамкорлик ва ўзаро ҳурмат асосида алоқаларни ривожлантиришга тайёр эканлигини билдирди. Самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик изҳор этди.

Сўхбат чоғида Ўзбекистон — Бельгия ҳамкорлигини янада ривожлантиришга ҳамда мамлакатимиз билан ЕХҲТ ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истикболига оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)



СИЁСИЙ МАФКУРАДА БЎШЛИҚ БЎЛМАСЛИГИ ШАРТ

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МК РАИСИ ЛАТИФ ГУЛОМОВНИНГ МАЪРУЗАСИ

Умуммиллий манфаатлар: юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлигини таъминлаш эканлигидан келиб чиқиб, партия янги Дастурининг мафкуравий принциплари, қадрияти ва устуворликларини белгилаб берган Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг V курултойи, партиянинг сиёсий мафкурасини шакллантириш ва ривожлантиришда туб бурилиш ясади, деди партия раиси, ўз маърузасида.

Маълумки, ушбу курултой ХДП ташкил этилгандан буён биринчи марта: — аҳолининг ижтимоий адолат, ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ёрдамга муҳтож қатламлари партиянинг доимий электорати эканлигини аниқ белгилаб берди.

— Ўзбекистон Халқ демократик партиясини мамлакат сиёсий кучларининг сўл қаноти сифатида таърифлаб, унинг сиёсий платформасини ҳамда ижтимоий адолат, ижтимоий бирдамлик ва ижтимоий демократия принципларига таянган муайян сиёсий мафкурасини аниқ белгилади.

V курултой партия ташкил этилгандан буён биринчи бор, нафақат ўзининг асосий сиёсий рақибини таниди, балки партиянинг сиёсий мафкурасининг ўзини либерал демократияга тааллуқли, деб ҳисоблайдиган сиёсий кучлар гоёвий устуворликлари билан асосий тафовутларини ҳам белгилаб берди.

2004 йил сайловлари якунларига кўра, партия парламент куйи палатасида кўпчилиكنи қўлга киритолмай, ўз зиммасига демократик парламент муҳофизати масъулиятини олди. V курултойда қабул қилинган янги Дастур ушбу ҳолатдан келиб чиқиб, партия ташкил этилгандан буён биринчи марта келгуси сайловларда ғалаба қозонишга, ХДПни муҳолиф партиядан ҳокимият партиясига айлантиришга қаратилди.

Бунда жамиятда ишончли етакчи-

ликка эришишнинг бош воситаси сифатида партиянинг ўз сиёсий оппонентлари билан мафкуравий рақобати белгиланган.

Шундай қилиб, V курултой Ўзбекистон ХДПнинг парламент типидagi электорат партияси сифатида узил-кесил шаклланишини мафкуравий жиҳатдан расмийлаштирди.

Ўзбекистон ХДП мафкураси мазмун-моҳиятига кўра, сиёсий мафкура бўлиб, у партия дастурий мақсадларида электорат манфаатларини умумлаштириш, партия аъзолари ва унинг депутатлар корпусидаги вакилларини партиянинг дастурий устуворликларини амалга оширишга сафарбар этиш вазибаларини бажаради.

Маълумки, янги Дастур мамлакатда олиб борилаётган ислохотларнинг ижтимоий самарадорлигини оширишни партия электорати манфаатларини рўёбга чиқаришнинг асосий йўналиши, деб ҳисоблайди. Сўл сиёсий мафкуранинг дастурий-сиёсий мослиги асосан айни шунда намоён бўлади.

Партия янги Дастурида тегишли вазифа ва устуворликлар партия электоратининг ҳаётий манфаатларидан келиб чиқиб белгиланган. Улар жумласига, биринчи навбатда кўп болалик оилалар, ногиронлар, кам таъминланганлар, маълумоти ва мутахассислиги йўқ кишилар, яъни аҳолининг турли сабаблар билан бозор ислохотларига тайёр бўлмаган ва ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган ижтимоий заиф қатламлари қиради.

Бу вазибаларнинг асосийлари куйидагилардан иборатдир:

— иш билан банд бўлмаган меҳнатга қобилиятли аҳолининг тўлиқ ва ҳолис ҳисобини юритиш ва унинг тўлақонли иш билан бандлигини таъминлаш. Биз қафолатланган иш билан банд-

лик тўғрисида гапирар эканмиз, аввало қафолатланган таълимга ҳам урғу беришимиз лозим. Чунки қафолатланган таълим янги касб-ҳунар ўргатишга имкон яратмай.

— зарур муҳандислик, ишлаб чиқариш, ижтимоий, коммунал инфратузилмаларни, айниқса, қишлоқ жойларида ривожлантириш, уй-жой-коммунал соҳасини ислоҳ қилишнинг самарадорлигини ошириш.

— халқ таълими ва соғлиқни сақлаш соҳаларида ислохотларнинг устувор вазибаларини ўз вақтида ва тўлиқ ҳал этилишини таъминлаш — бу икки муҳим ижтимоий жаҳаннинг ходимлари — ёш авлодни маънавиятли қилиб тарбиялаётган ўқитувчилар ва миллат соғлигини муҳофаза қилаётган шифокорлар жамиятда юксак фуқаролик ва ватанпарварлик сифатларини шакллантиришда партиянинг асосий таянчидир;

— аҳолининг кам таъминланган қатламларини давлат ва жамият томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамиятда бокимандалик кайфияти пайдо бўлишига замин яратмаслиги керак. Давлат одамларни боқиси эмас, балки уларга фаоллик кўрсатишлари учун барча шарт-шароитларни яратиб бериши зарур. Ана шунда муҳтож одамларга кўрсатилиши лозим бўлган мақсадли ижтимоий ёрдамнинг самарадорлиги таъминланади.

ХДП ижтимоий суниетъмоликка қаршидир, деб алоҳида таъкидланди маърузада. Бокимандалик ва бегамлик кайфиятидан келиб чиқадиган бу иллатлар илдиз отишига, яъни одамлар ўз оиласи олдидаги бурч ва масъулиятларини давлат зиммасига юклашига асло йўл қўйиб бўлмайди.

2-бет

Пленумда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши аъзолари, Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия кенгашлари раислари ҳамда уларнинг мафкуравий масалалар бўйича ўринбосарлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ХДП фракцияси аъзолари, Марказий Кенгаш Тафтиш комиссияси аъзолари, республика партия фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Пленум кун тартибидagi асосий масала — «Ўзбекистон ХДП мафкурасини ривожлантириш ва партия ташкилотлари мафкуравий ишлари самарадорлигини оширишнинг устувор вазибалари тўғрисида» Ўзбекистон ХДП МК ижроия кўмитасининг маърузаси билан Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси Латиф Гуломов сўзга чиқди.

Маъруза баёни газетада эълон қилинмоқда.

Пленумда юқоридagi масала билан бир қаторда Ўзбекистон ХДП МК Ижроия кўмитасининг 2005 йилдаги фаолияти муҳокама этилди. Маъруза ва Ижрокўм фаолияти тўғрисидаги ҳисобот юзасидан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Светлана Иномова, Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари Абдугаффор Қирғизбоев, Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилоят кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Сенат аъзоси Ҳаётхон Ортиқбоева, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Ўзбекистана» газеталари бош муҳаррири Сафар Остонов, ХДП Фаллаорол туман кенгаши раиси Бурхон Темиров, ХДП Учкўприк туман кенгаши раиси Илҳом Каримов сўзга чиқдилар.

Музокарада, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзолари Анвар Шуқуров, Гулистон Аннақличева сўзга чиқдилар.

Пленум фракция раиси Аслиддин Рустамовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракциясининг 2005 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ахборотини тинглаб, маълумот учун қабул қилди.

Пленум Ўзбекистон ХДП МК раиси ўринбосари Изидор Кочмарикнинг Ўзбекистон ХДПнинг 2005 йилдаги бюджетни ижроси якунлари ва партиянинг 2006 йилга бюджетни тўғрисидаги ҳамда партия аъзоларини қайта рўйхатга олишнинг бориши тўғрисидаги маърузаларини тинглади. Ўзбекистон ХДП аъзоларига бериладиган партия янги билетининг нусхаси кўриб чиқилиб, маъқулланди.

Пленум муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

Ўзбекистон ХДП МК
матбуот хизмати

Сўз — пленум қатнашчиларига

ЖАМИЯТНИ ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ КУЧ

сиёсий партия ўз сиёсий мафкурасини мунтазам равишда такомиллаштириб бориши лозим, дейишди пленум иштирокчилари

Маъруза юзасидан музокарада сўзга чиққанлар кўлаб таклиф ва мулоҳазаларни билдиришди.

Абдулла ОРИПОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Мажлис Сенати аъзоси:

— Сиёсий партия — бу жуда катта куч. Ҳозир маърузада бу борада алоҳида таъкидлаб ўтилди. Шу ўринда масаланинг бир қиррасини айтиб ўтсам. Мен назариячи эмасман, амалиётчиан. Тажрибага таяниб иш кўрувчи ижод-

корлардан бириман. Халқни ижтимоий ҳимоялаш бузилган жойда жамият ҳам, давлат ҳам инқирозга юз тутайди. Бунга ўтмишдан кўлаб мисоллар келтириш мумкин. Шунинг учун ҳам муҳтарам Президентимиз сиёсат ва мафкуранинг асосини аҳолини ижтимоий муҳофазалаш, ҳимоялаш масаласига қаратиб келаётдилар.

2-бет



Суратларда: пленум ишидан лавҳалар.



Аскар ЯКУБОВ олган суратлар



СИЁСИЙ МАФКУРАДА БЎШЛИҚ БЎЛМАСЛИГИ ШАРТ

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МК IV ПЛЕНУМИДА

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МК РАИСИ ЛАТИФ ФУЛОМОВНИНГ МАЪРУЗАСИ*

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бу вазибаларнинг янги Дастурида аниқ қўйилиши ўз-ўзидан катта мафкуравий аҳамият касб этди. Партия V курултойи бўлиб ўтиши билан, биз Ўзбекистон ХДП елхотари вакиллари томонидан унинг иши ва ҳужжатларига қизиқиш ҳамда эътибор ошганлигини сездик. Бу тасодиғ эмас. Одамлар ҳар кун ҳаётда дуч келадиган, ҳақиқатда мавжуд иқтисодий муаммолар ҳақида гапириб, нафақат гапириб, балки уларни тез ва самарали ҳал этиш йўллари кўрсатилган ташкилотни кўра бошладилар.

Лекин, бугун елхотар билан олиб борилмайдиган тарғибот ишлари мавзуларининг ҳаётий манфаатлари ва унга таалуқли иқтисодий муаммоларга йўналтиришнинг ўзи камлик қилади. Дастурий мақсадларимизни тушунириш бўйича ишларни ташкил этишда биз тарғибот ва партиямаз мафкура афзалликларига ишонтиришнинг энг яхши йўли, бу — ташаббус кўрсатиб ХДП дастурий мақсадларини амалга оширишни таъминлаш ва партия елхотари вакилларига муаммоларни ҳал этишда бевоқифа кўмак бериш эканлигиндан келиб чиқишимиз лозим.

Шу муносабат назардан қараганда, Ўзбекистон ХДП сиёсий мафкурасини дастурий-сиёсий жиҳатдан таъкиб этишда асосий кўч — депутатлик тузилмалари, яъни партиямазнинг парламент фракцияси ва ҳалқ депутатлари вилоят, шаҳар, туман Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларидир. Зотан, елхотар ҳаётий манфаатларига таалуқли бўлган муаммоларнинг кўнчилигини ҳал этиш айна давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ваколатига кирди.

Депутатлик гуруҳларимиз маҳаллий Кенгашларда рўйхатдан ўтиши аяқлангандан кейин, биз бу борада баъзи амалий ишларни бажардик. Партия депутатлар корпусини ўқитиш бошланди. Бу партия фаолларини сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатдан тайёрлаш тизими вужудга келтирилгандан далолат беради.

Албатта, фақат ўқувларни ташкил этиш билан жойлардаги партия депутатлик гуруҳларига кўмаклашиш чекланмаслиги лозим. Марказий Кенгаш бунда яна бир қатор вазибаларни ҳал этишни ўз зиммасига олади. Чунки, маҳаллий партия кенгашлари ва жойлардаги ХДП депутатлик гуруҳларига иқтисодий йўналтирилган сўл сиёсий мафкурамаз асосий принципларига таянган ҳолда, ҳудудий ривожланишнинг минтақавий ва муниципал сиёсатида тегишли концепциясини ишлаб чиқишга ёрдам бермоқчимиз. Бу биринчи навбатда, иш билан бандлик, қилшқ жойларда инфратузилмани ривожлантириш, уй-жой-коммунал соҳасини ислоҳ қилиш, елхотарнинг муҳтож қатламларига мақсадли иқтисодий ёрдам кўрсатиш муаммолари ва бошқа иқтисодий муҳим масалаларга таалуқлидир.

Шу муносабат билан Марказий Кенгаш ижроия қўмитаси партия марказий органлари тегишли концепцияларини тайёрлаш билан амалда шугулланишлари керак, деб ҳисоблайди. Бу муаммолар устида ишлаш учун малакали экспертларни жалб этиш зарур. Партиянинг сиёсий мафкурасини бундай концептуал чуқурлаштириш учун ўз махсус профессионал марказимизни ташкил этиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Олимлар ва мутахассисларни бирлаштирувчи ушбу илмий-устулбий марказ нодавлат таъкибот муассасаси мақомига эга бўлмоғи керак.

Лекин депутат корпусининг ўқуви ҳам, партия сиёсий мафкурасининг янги концептуал ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳам, агар улар депутатлик тузилмалари фаолиятидаги ташаббуслар билан мустақамланмаса, ҳеч қандай натижа бериб бериб қолмайди. Ташаббускорликнинг таъкиботлиги тўғрисида биз март ойининг бошида бўлиб ўтган Ўзбекистон ХДП республика фаоллар йиғилишида очик-ойдин гапирган эдик.

Амалий мафкуравий ишнинг асосий оғирлиги партиямазнинг минтақавий ва маҳаллий кенгашлари ҳамда бошланғич ташкилотлари зиммасига тушиши лозим, деб уқтирди партия раҳбари ўзи маърузасида. Очик айтганда, бу масалалардаги кўп нарсани янгитдан бошлаш керак.

У курултойдан кейин барча партия тузилмаларида фаоллик сезиларли тарзда ошган бўлса-да, мафкуравий соҳада бири-бири билан боғлиқ бўлмаган оммавий-

сиёсий тадбирлар ўтказилганда нарига ўтилмади. Айланиб келганда, кўлаб туман ва шаҳарларда ўтказилган бундай тадбирлар иштирокчилари доираси партия фаоллари билан чекланмоқда. Партия янги Дастури мақсадли курсатмалари нуқтаи назардан қараганда, сиёсий мафкурамазнинг мумкин қадар кўпроқ сайловчиларнинг партияни кўлаб-қувватлашни таъминлаш ҳамда ХДП томони ва сафларига янги тарафдорларни жалб этиш мақсадида партиямазнинг жамиятда ижобий имижини шакллантириш каби ташқи вазибалари асосий ролни ўйнаши лозим.

Бунда биринчи навбатда, гап партия елхотари турили тоифалари орасида пухта ўйланган тушунириш ишларини олиб бориш тўғрисида бормоқда. Бу ишларни олиб бориш учун асосий тарғибот манбаи бўлиб партиянинг янги Дастури хизмат қилади. Лекин фақат унинг қондалари билан чекланиш нотўғри бўлар эди. Дастурдаги сиёсий умумлаштирилмавлар ва ширлар парламент фракцияси, депутатлик гуруҳлари, партия маҳаллий кенгашлари ва ташкилотларининг уларни амалга ошириш юзасидан нималар қилаётганига доир тегишли амалий мисоллар билан мустақамлангани керак.

Тушунириш ишларида бу иш кимлар орасида олиб борилиши лозим ва у сайловчиларнинг қайси гуруҳларини қамраб олиши керак, деган масаланинг ҳам аҳамияти катта.

Бу ишни қандай ташкил этиш керак? Бу оддий саволлар эмас. Буларни ҳал этиш учун ташкилотларимиз жойларда олиб бораётган иқтисодий-иқтисодиёт ва иқтисодий-сиёсий мафкурамазнинг самарадорлигини ошириш алоҳида аҳамият касб этди.

Биринчидан. Мониторинг иқтисодий

лаш лозим.

Бу масалаларни ҳал этиш жараёнида Ўзбекистон ХДПни кўлаб-қувватлаш учун фақатгина ташкилотнинг ўзи етарли эмаслигини тушуноқ лозим. Ахир сайловчилар кўнчилиги олиш учун худди шундай ишларни аҳоли ўртасида сиёсий оппонентларимиз ҳам олиб боришмоқда.

Сайловлардан кейин бир ярим йилча вақт ўтди. Бугунги кунда партия янги Дастурида баён этилган бизнинг ЎзЛиДеП билан ғоявий келишмовчиликларимизни, мафкуравий фарқимизни таъкибланишнинг ўзи етарли эмас. Биз оппонентларимиз билан конструктив баҳс-мунозара бошлаш эканмиз, уларнинг бугунги кунда амалда олиб бориш Қонунчилик палатаси ва давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органларида бизнинг елхотари таъкибланиш ҳаётий манфаатларига таалуқли муаммоларни ҳал этишда қандай позицияда туришлари тўғрисида аниқ танқидий тасаввурга эга бўлиш лозим.

Либерал демократлар эркин бозор иқтисодиёти принципларини асосий деб ҳисоблаган ҳойда, биз сиёсий мафкурамазнинг иқтисодий йўналтирилган бозор ва иқтисодий солидар жамият тўғрисидаги асосий позициядан келиб чиқамиз. Бу эса, ўз навбатида депутатларимизни айрим қонунларни қабул қилишда иқтисодий, коммунал, молиявий-кредит ва бошқа хизматларни тадбиркор бўлмаган ва даромадлари ўртача даражага эга, яъни бизнинг елхотар кимшиларига қурби етадиган даражада бўлишни қонунчилик жиҳатдан таъминлаш мақсадида қурашишга ундайди.

Мафкуравий иш самарадорлигини таъминлашда сиёсий мафкурамазнинг тарбиявий функцияси муҳим аҳамиятга эгадир, деб давом этди маърузачи. Бу йўналишдаги муҳим вазибалардан бири, бу

аналари ва маънавий қадриятларига зид бўлган жамият тузумининг сохта демократик моделини тикиштиришга қаратилган ҳаракатларини фож этишга қаратиш лозим.

Маърузачи бу масалаларга эътиборни қаратар экан, мамлакат раҳбариятининг Евроосиё, Марказий ва Жанубий-Шарқий Осиё худудларида стратегик шерикчилик, тенгҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик, иқтисодий интеграцияни чуқурлаштиришга қаратилган ташқи сиёсий йўлни кўлаб-қувватлашни алоҳида таъкибланиб ўтди. Бу йўналишдаги амалий ҳаракатлар Ўзбекистон миллий стратегик манфаатларига ҳам, Осиё қитъасида олиб бориш барқарорлик ва минтақавий ҳавфсизлик глобал манфаатларига ҳам жавоб бериши, қайд этилди.

Мафкуравий ишда янги ёндашувларни бошланғич партия ташкилотлари мафкуравий функцияларини кескин қучайтирмадан амалга ошириб бўлмайди. Шу муносабат билан ҳозирги пайтда ўтказилган партия аъзоларини қайта рўйхатдан ўтказишнинг мафкуравий аҳамиятига эътиборни қаратиш лозим. Бу ишни бошлаш эканмиз, унинг асосий мақсади қилиб, ХДП янги дастурий ўстуворликларни атрофида бунга қўлаб-қувватлаш билан чекланмай, балки амалга оширилишига фаол кўмаклашишга тайёр партиядошларни жалблаштириш мақсадини кўйган эдик. Аслида мана шунинг ўзи ҳам муҳим мафкуравий вазиба ҳисобланади.

Партия мафкуравий ишлари самарадор бўлишини таъминлаш омилларидан бири унинг тўғри ташкил этилишидир. Шунинг учун V курултой мафкуравий ишда принципал янги ёндашувларни таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган принципал қарорлардан бирини

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мамлакатимиз мустақиллигининг биринчи кундан Юртбошимиз аҳолининг кескин табақаланиб кетишининг олдини олиш чораларини кўроқдалар. Истаган одам бой бўлиши мумкин, бирок, ҳеч ким камбағал бўлмасин. Шунга шарт-шароит яратишга киришилди. Мафкурамаз ҳам шундан келиб чиқиши керак, деб ўйлайман. Бойиб кетиш яхши,

аммо бунга ҳалол йўл билан эришиш лозим. Гап бу ерда нафс ҳақида кетаяпти. Навоий бобоимизнинг мустақиллик, эркинлик ҳақида байтлари бор:

**Эркин улким,
саяд этиб нафсоният,
Ғолиб улса,
умрида рухоният.**

Инсон сиёсий, ҳуқуқий эркин бўлиши мумкин, аммо, у нафсининг қули бўлса, ҳеч қачон эркин бўла олмайд. Нафс уни бошқаради. Ана ўша нафс одам-

ларни бўлақлаб ташлайди, маҳаллийчилик, гуруҳчилик, бекарорлик, Вангага хиёнатни келтириб чиқаради. Афсуски, бу мисоллар ҳаётимизда учраб турибди.

Бизнинг мафкурамаз ҳар бир инсонни боқимандалик қайфиятидан ҳалос этиш, ўз моддий фаровонлигини, маънавий коммунистларни таъминлашга ўзи ҳаракат қилиши ва шунга етарли шарт-шароитлар яратишига қаратилиши керак.

Светлана ИНОМОВА, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси:

Жамиятда сиёсий-иқтисодий, маънавий муҳит барқарорлиги ва тараққиёти аёллар, ёшлар, оилага бўлган муносабат, эътибор билан боғлиқ. Ҳозирги вақтда ЎзХДПнинг иқтисодий-сиёсий мафкураси кўриб чиқилар экан, икки жиҳатга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур, деб ўйлайман. Биринчидан, давлат органларида қараганда маҳаллий ўзи-ўзини бошқариш органларида кўпроқ фаолият олиб бориши керак. Ҳаммамизга маълумки, яқинда маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари (оксоқоллари) сайлови бўлиб ўтди. Биз оксоқолликка номзодларни ХДП аъзолари орасидан кўрсатишга ва уларнинг қўлаб-қувватлашига эришишимиз лозим.

Иккинчидан, аҳоли орасида сиёсий партияларнинг фаолияти иккинчи даражали эмаслигини, партиямазнинг ютуқларини кенг тарғиб қилиш керак. Ҳар бир депутат фаолияти ҳақидаги хабарларни доимий равишда матбуотда ёритиб бориш лозим. Чунки, ҳалқ қўлаётган ишларимиз, мафкурамазнинг асосий тамойиллари ҳақида билиши керак. Кўп учрашувларда аёлларимиз томонидан берилмаётган саволлардан аён бўлаяптики, улар

депутатлар фаолиятдан етарлича хабардор эмас.

Бугун мамлакатимизда 9 фоз аёллар сиёсий партияларга аъзо. Мана шу елхотар билан ишлайшимиз керак. Тарғибот-ташвиқот ишларини қучайтириб, аёлларни партиямаз сафларига, фаолиятга кенг жалб қилишимиз, мафкурамаз орқали ишларимизни кўрсатишимиз лозим. Лекин, жойларга чиққанмизда кўпгина аёллар савол беришяпти, бошқа сиёсий партияларнинг ғояси, мафкураси, дастури қанақа? Қандай ютуқларга эришди? Шу саволларга биз ҳар доим тайёр бўлишимиз керак. Уйда ўтирган кўлаб аёллар билан субтаълашганимизда, улар орасида сиёсий партиялар фаолиятида катнашганини хоҳлаётганлар бор, аммо кимга мувожабат этишни билаётгани аён бўлаяпти. Ахир улар бизга керакли елхотар-ку.

Яна бир масалани алоҳида таъкибланимоқчиман. Агар ҳар бир амалга ошириётган ишнинг таҳлил этмасак, мониторинг қилмасак, ҳеч қачон олдимизга қўйган вазибаларга эриша олмаيمиз.

ЖАМИЯТНИ

ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ КҮЧ

Абдугафур КИРФИЗБОЕВ, Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлигининг «Маънавият ва маърифат» маркази бошлиғи:

— Бугун айрилган танқидий фикрлардан БПТ, партия маҳаллий кенгашлари тегишли ҳулоса чиқариб, мафкуравий ишларни жадаллаштиришлари лозим, деб ўйлайман.

Тўғри, кейинги сайловларда партиямазнинг парламентдаги ўрни яна иккинчи ўринга тушиб қолди. Бунинг сабаблари кўп. Улардан бири бугун кўп тартибга қўйилган мафкуравий масалаларга қамроқ эътибор қарат-

ганимизда, деб биламан. Бугун дунё шиддат билан глобллашиб, айрим-айрим мамлакатларнинг ёш, мустақил давлатларга мафкуравий таъкибланиш, унинг натижасида жуда катта геосиёсий ўйинлар қучайиб бораётган бир пайтда сиёсий партия ўз мафкуравий кураш йўлини аниқ-равшан белгила олиши зарур. Бу жараёнларда нималарга алоҳида эътибор қаратилиши керак, деган масала кўтарилди. Бугунги

кунда партия ташкилотларида мафкуравий масалалар билан кимлар ишляпти? Агар умумий ишимизга зарар етказадиган одамлар бўлса, улардан эъллик билан воз кечиш керак. Мен ўтган сайловларда кўрдим. Сиёсий партия учун ҳаёт-мамот масаласи ҳал этилаётган бир пайтда партиядошларимиздан бири бошқа сиёсий партияга хизмат қилди. Ана шунанга ўйинчилардан воз кечиш вақти келди.

Сафар ОСТОНОВ, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари Бош муҳаррири:

— Бугун партиямаз фаолияти ва тарихида, менимча, ўта муҳим, ЎзХДПнинг эртанги обрў-эътибори, нуфузи, куч-қудратини белгилайдиган масалани муҳомаа этаймиз. Партиямаз мафкураси ҳақида гапирар эканмиз, мамлакатимиз раҳбариятининг «Миллий мафкура — давлатимиз ва жамиятимиз қурилишида биз учун руҳий-маънавий куч-қувват манбаи» деган сўзларини ёдда тутмоғимиз зарур. Агар масалага шу нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, демократия мафкураси ҳам партиямаз барча фаоллари, аъзолари учун руҳий-маънавий куч-қувват манбаи ҳисобланаши табиий.

Бугун партиямаз ўз сиёсий мафкурасини ривожлантиришга ҳаракат қилаётган экан, фикримча, ҳозирги таҳликали замонда ташқи мафкуравий таъкибларга, ёғ юзларга қарши тура оладиган мафкуравий иммунитетни партиянинг ҳар бир аъзоси онгиде шакллантириш, мустақамлаш чора-тадбирларини кўришимиз керак.

Мамлакатимиз мустақил бўлгандан буюн ўтган 15 йил мобайнида бошимизга тушган кулфатлар, фожжалар, тобора авж олиб бораётган информатсион ҳуружлардан тўғри ҳу-

лоса чиқариб олмағимиз лозим. Мафкуравий сиёсатнинг дунё майдонидеги ўрни ва аҳамиятини ҳисобга олиб пленум қарориде ва масалала алоҳида ўрин берилиши зарур, деб ҳисоблайман.

Маълумки, интернет веб-сайтлари мафкуравий кураш майдонига айланиб бормоқда. Турли-туман бўҳтонлар, ноҳилис гаплар айтимокда. Партиямаз вилоят кенгашлари, партия лидерлари интернет тармоқларида ҳам ўз веб-сайтларини очса тўғри иш бўларди.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Партия мафкураси ҳақида гап кетар экан, партиямаз фаоллари, айниқса, туман кенгашлари, бошланғич ташкилотлари раҳбарлари ғоя нима, миллий ғоя, мафкура нима, миллий истиқлол мафкураси нима эканлигини чуқурроқ билиб олишлари зарур.

Партия мафкурасини ёритиш масаласи биринчи навбатда партия наشرларининг зиммасига тушади албатта. Аммо партия мафкурасини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилишда давлат ва нодавлат, хусусий газеталар, радио ва ТВ имкониятларидан самарали фойдаланиш лозим.

Ҳаётхон ОРТИҚБОЕВА, Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилоят кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Сенати аъзоси:

— Биз бугун кўтараятган масаланинг долзарблиги мамлакатимиз мустақилликка эришган кундан бошланган. Чунки, жамият мафкураси яшай олмайдиган. Жаҳон тамаддунига ҳам, халқимиз тарихига ҳам назар солсак, маълум бўладики, маънавий-маърифий масалаларни ҳал қилмай туриб, ҳеч бир жамият ўз олдига қўйган буюк мақсадларга эриша олмайд. Ўз келажиги ҳақида қайғурадиган миллат ҳеч бир замонда миллий ғоя ва мафкурасиз яшай олмайд. Чунки, мафкура бу миллатнинг, халқнинг оловда қуймайдиغان, сувда қўймайдиган буюк эътиқоди ҳисобланади.

Дарҳақиқат, жамият тараққиётининг барча босқичларида иқтисодий-иқтисодий муваффақият, унинг сифати ва ўсиш даражаси инсонларнинг руҳий бардамлигига, маънавий етуқлигига бевоқифа боғлиқ бўлган. Қарада мафкуравий ишлар яхши йўлга қўйилган бўлса, одамларнинг онги, дунёқараши, тафаккури сиёсий фаолияти ва сиёсий маданияти юқсак даражада бўлса, шу ерда ривожланиш, буюндорлик, соғлом муҳит, яратувчанлик руҳи ҳукмрон бўлади.

Бугунги кунда мафкурамазнинг асосий моҳияти фуқароларни чуқур билимли, етуқ қилиб тарбиялаш ва маънавий қашшоқликдан, эътиқодсизликдан асрашдан иборатдир. Чунки, эътиқодсизлик

ҳар қандай ахлоқий қондаларни емради, йиғмонсизликка олиб келади. Жамиятимиз покланиб бораётган ҳозирги даврда мафкура майдонига мураккаб жараёнлар давом этмоқда. Шундай пайтда Ўзбекистон ХДП ўз сиёсий мафкурасини аниқ белгила олиши ниятда катта аҳамиятга эга сиёсий воқеадир.

Маърузада сиёсий маориф тизимини шакллантириш ҳақида тақлиф айтилди. Биз бу тақлифни қатъий қўлаб-қувватлашимиз керак. Чунки, сиёсий маориф тизимининг ташкил этилиши бу партиямаз сафларига малакали, сиёсий билимдон, етуқ кадрларни талаш масаласини ҳал қилишга кўмаклашади.

Гулистон АННАҚЛИЧЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:

— Инсоният тарихида ҳар бир давр ўз тараққиёт босқичларида турли жамиятларни синволлардан ўтказган. Албатта, бу жамиятларнинг ҳар бири авлоддан авлодга турли қадриятлар, анъаналарни мерос қилиб қолдирган. Мустақилликнинг илк кунлариданоқ Президентимиз халқнинг миллий ўзлигини аниқлаш, миллий истиқлол мафкурасининг халқимиз дунёқарашига сингиб бориши борасидаги ўстувор йўналишларга алоҳида эътибор қаратилар. Шундан келиб чиқиб ХДПнинг иқтисодий адолат, иқтисодий бирдамлик, демократия ва озоқлик ғояларини ўзининг сиёсий мафкураси сифатида белгила олиши катта аҳамиятга эга.

ХДПнинг ўзини мамлакат сиёсий қучларининг сўл қаноти, деб эълон қилиши, Қонунчилик палатасидеги фракциямаз эса парламент озчилиги муҳолифати мақомини олиши партиямаз мафкура-

расини яна бир бор қўриб чиқишни тақозо этмоқда. Бу борада ишлар фақатгина қозғода қилиб кетмаслиги керак. Ҳар биримиздан партиямаз сиёсатининг ўстувор йўналишларини халқимизга тушунарли тарғибот-ташвиқот ишларини тўлақонли олиб бориш талаб қилинмоқда. Демократик парламент муҳолифати, сўл сиёсий мафкура ҳақида фақат юқори бўғинда кўпроқ айтилаётган, сиёсий мафкурамазнинг тарғиб қилиш бир хил услубга тушиб қолганга ўхшайди. Партия ташкилотлари баъзи ҳолларда ҳалқ назарида ҳайрият, ҳомий ташкилотли сифатида намоён бўлмоқда. Шунинг учун партиямаз ўзининг сиёсий мафкурасини кенг тарғиб қилишни аввало, БПТ, ёш аъзолардан бошлаш лозим, деб ўйлайман.

Беҳзод ШУКУРОВ
эзиб олди



муҳим муаммоларни аниқлашга ёрдам бериб, ўз навбатида, депутатлик гуруҳларимиз ташаббускорлиги намоён бўлиши мумкин бўлган объектларни кўрсатиб беради.

Иккинчидан. Мониторинг жойларда ислохотлар иқтисодий самарадорлигини оширишга қаратилган қонунлар, мамлакат Президенти Фармон ва қарорларини бажаришни ташкил этишдаги камчиликларга ўз вақтида эътибор беришга ёрдам беради.

ХДП кенгашларининг бундай камчиликларга танқидий муносабатда бўлиши, ўз принципал позициясини очик-ошкора намоён этиши одамларга партиямаз улар манфаатлари қандай амалга оширилаётганини диққат билан кузатиб тургани ва зарурат туғилганда, уларнинг манфаатларини конструктив ҳимоя қилишга тайёр эканлигини кўрсатади.

Учинчидан. Нафақат жойлардаги вазият, балки сайловчилар қайфияти, уларнинг у ёки бу сиёсий партияга муносабати, уларнинг сиёсий мойиллиги ўзгариши, хуш кўриши ва ёқтирмаслиги ҳам мониторинг объекти бўлиши лозим.

Бундай вазифани фақат социологик тадқиқотлар ва сўровлар воситасида ҳал этиш мумкин, деб ўйлаш керак. Аксинча, ҳар қандай социолог сўров, муносабада қатнашувчи бир гуруҳ одамлар билан чекланади. Партия аъзолари, бошланғич ташкилотларимиз эса бевоқифа сайловчилар орасидадирлар.

Бу ишда муайян тартиб ўрнатиш учун, уни туман ва шаҳар кенгашлари даражасида сайлов худудлари географияси — сайлов округлари, участкалари, улар марказининг жойлашиши ва ҳокзалар туррасида аниқ тасаввур ҳосил қилишдан бош-

— ХДП кенгашлари ва ташкилотларининг аҳолини муносабат маърифатини ташкил этишда фаол иштирок этишини таъминлашди.

Шубҳасиз, бу ишнинг айрим қўриқинишлари кўлаб маҳаллий партия ташкилотлари кундалик ишларида мавжуд. Лекин бу иш яқин пайларгача бош вазиба — партия аъзолари ва бизни кўлаб-қувватловчи елхотар, айниқса, ёшларда демократик жамиятга масъулятли фуқаролик ҳуқуқи қўнчаларини шакллантириш вазифасини ҳал этмай қолди.

Бу иш шунинг учун ҳам муҳимки, 2005 йилда Ўзбекистон унга қарши қаратилган кенг миқёсдаги ахборий таъвоуз объекти бўлди. Айрим хорижий қучлар охириги пайтларда, ўз гаразли геосиёсий манфаатлариндан келиб чиқиб, мамлакатларимиз мафкурамазга экспорт қилишга интиломқдалар. Бунда Ўзбекистонга сиёсий технологиялар томонидан ишлаб чиқилган демократия ва фуқаролик жамияти моделларини тикиштирмоқчи бўлаяптилар.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси бундай халқро ҳуқуқ мустақил субъектларнинг суверенитетини поймол этадиган, бошқа мамлакатларнинг нисбатан иқтисодий заифлиги ҳисобига халқро ҳамжамият иқтисодий ривожланган аъзолари айримларининг манфаатлари эканансияга олиб келувчи глобалашув моделига қатъиян қаршилигини билдиради.

Шу муносабат билан барчамизнинг умумий вазифамиз, биринчи навбатда, мақсадли аксилтарғибий ишларни йўлга қўйишдир. Партия маҳаллий ташкилотлари сазой-ҳаракатларини муайян хорижий қучлар томонидан Ўзбекистонга, унинг миллий манфаатлари, халқ аъ-

* Маъруза қисқарттирилган тарзда ба

ҲАМКОРЛИКНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРГАН ТАШРИФ

Президент Ислон Каримовнинг Корея Республикасига давлат ташрифи ўзaro муносабатларни мутлақ янги поғонага кўтаришга хизмат қилиши шубҳасиз. Ташриф асносида эришилган келишувлар ҳамкорлик мазмунини янада бойитиб, алоқалар кўламини бир неча қарра оширади.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири Алишер ШАЙХОВ ЎЗА мухбири билан суҳбатда ташриф якунлари ҳақида сўзлар экан, мана шу жиҳатни алоҳида таъкидлади.

— Иқтисодий ҳамкорлик давлатларaro муносабатларнинг асосини ташкил этиши табиий, албатта, — дейди А.Шайхов. — Аммо икки мамлакат Президентларининг Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги муносабатларни бутунлай янги — стратегик шериклик даражасига кўтаришга оид ҳужжатга имзо чеккани давлатимиз раҳбари изчиллик билан юритаётган тинчликпарвар ташқи сиёсатнинг натижаларидандир. Бу ҳужжат мамлакатларимиз ўртасидаги ўзарo алоқаларни барча соҳаларда янги босқичга олиб чиқишига шубҳа йўқ.

Маъзур фикрни рақамлар билан изоҳласак, шу кунга қадар Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий пойдевори 59 ҳужжатдан иборат эди. Президентимизнинг Сеулдаги музокараларидан кейин улар қаторига яна 43 ҳужжат қўшилди.

Бу ўринда сармоявий ҳамкорликка эътибор беринг. 1992 йилдан буён, мамлакатларимиз ўртасида ўзарo дипломатия муносабатлари ўрнатилганидан кейин ўтган давр мобайнида Ўзбекистон иқтисодиётига Корея Республикасидан 1,5 миллиард АҚШ доллари ҳақида сармоя киритилган. Янги тузилган келишуларда эса 1,8 миллиард долларлик сармоя киритиш кўзда тутилди.

Буларнинг барчаси Жанубий Кореяда Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришга иштиёқ нечоғли катта эканлигини далиллади. Айни чоғда Президентимиз Ислон Каримовнинг етакчи корея ишбилармонлари билан учрашувида айтган гапларини ёдга олиш жоиз. Сармоя, бизнес, — деди учрашувда Ислон Каримов, — муайян фойда, аниқ дивидендлар, барқарорлик қафолатларига жойга интилади.

Корея Республикаси ишбилармонлари Ўзбекистонда бизнес юритиш имкониятларини, хориж сармоядорлари фаолияти учун яратилган қўлайликларни, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, жумладан, макроиқтисодий барқарорликни қадрлайди. Корея Республикасининг юқори технологиялар, саноат ва бошқа соҳалардаги ютуқлари, сармоявий имкониятлари ҳамда Ўзбекистоннинг ерости ва ерусти бойликлари, меҳнат ресурслари, тобора ошиб бораётган ақлий салоҳияти икки томонлама манфаатдорлик асосида ҳамкорлик кўламини кенгайтириш, унинг янги-янги қирраларини очиш, янги йўналишларини белгилаш учун етарли асосдир.

Масалан, «Ўзбекнефтьгаз» миллий холдинг компанияси билан Корея нефть корпорацияси ўртасида имзоланган Фарғонада геология-разведка ишларини олиб бориш тўғрисидаги битимнинг молиявий қиймати 50 миллион АҚШ долларига тенг. «Ўзбекнефтьгаз» билан «КОГАЗ» компанияси ўртасида Устюртда геология-разведка ишларини олиб бориш бўйича тузилган ҳужжатга биноан газ конларини тадқиқ этиш учун Ўзбекистонга 62,4 миллион доллар сармоя киритилди. «Ўз-Корес майнинг» Ўзбекистон — Корея қўшма корхонасини ташкил этиш ва фаолиятини йўлга қўйиш кўзда тутовчи Таёсис шартномасининг қиймати эса 204,2 миллион долларга тенг. Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан «Экскчейжбанк» ўртасида имзоланган кредит битими 20 миллион долларлик молиявий қийматга эга.

Сиёсий жабҳадаги ҳамкорлигимиз даражасини халқaro ташкилотлар доирасидаги баҳамжиҳат ҳаракатларимиз яққол кўрсатиб ту-

рибди. Мамлакатимиз БМТ ва бошқа халқaro ташкилотларнинг ижро органларига Корея Республикаси вакилларининг номзодини қўллаб-қувватлаб келади. Жумладан, Ўзбекистон БМТ Бош котиби лавозимига Корея Республикаси ташқи ишлар ва савдо вазири Бан Ки Муннинг номзодини ёқлайди. 2005 йилнинг ўзида Ўзбекистон БМТнинг Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитасига, Халқaro стандартлаштириш ташкилотига, SOS бадаллари бўйича қўмига ва БМТ Хавфсизлик кенгашининг ноидомий аъзоллигига Корея Республикаси томонидан кўрсатилган номзодларни қўллаб-қувватлади.

Корея Республикаси эса Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиб киришини, мамлакатимизнинг халқaro иқтисодий тизимга интеграциялашувини ёқлайди. Мустақиллигимизнинг илк йилларидан Ўзбекистонга Марказий Осиёдаги асосий шерик сифатида қараб келаётган Жанубий Корея юртимиздаги ислохотларни қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётимизга катта миқдорда сармоя киритиш орқали ҳам халқaro майдонда мамлакатимиз нўфузи ошишига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Мамлакатларимиз ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида яқиндан ҳамкорлик қилиб келаётган. Бу ҳамкорлик соғлиқни сақлаш, илм-фан ва таълим, жумладан, олий таълим муассасалари ва фанлар академиялари, маданият, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари ўртасидаги алоқаларни қамрайди.

Шу ўринда ташриф кунлари Корея Республикаси оммавий ахборот воситалари ўзбек ва корея халқларининг маданий ва маънавий яқинлигига ҳам алоҳида эътибор қаратганини таъкидламоқчиман. Жумладан, «Корея — Ўзбекистон» дўстлик жамияти раиси Ким Ён Сок «The Korean Herald» газетасида чоп этилган мақолада мамлакатимиз телевидениесига «Қиш сонатаси» ва «Сарой жавоҳири» фильмлари катта муваффақият билан намойиш этилганини фахр билан ёзди. Катталарга ҳурмат, эл-юртга муҳаббат ва садоқат, эзгулик каби инсоний фазилатлар халқларимизни бир-бирига яқинлаштириши, дўстона муносабатларимизни мустақамлашиш кўп бор тилга олинди.

Корея матбуоти Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонга кўчириб келинган корея тилларга кўрсатилган барқироклик ва сарватни кўп эсга олди. Айниқса, ўша кореяларнинг бугунги авлодлари 250 минг нафарга етгани ва юртимизда юздан зиёд миллат ва эл вакиллари билан тинч-тотув ва иноқликда яшаётганини алоҳида таъкидлади.

Икки давлат раҳбарларининг дўстлиги ва ҳамфироқлиги, сиёсий ҳамжиҳатлик, иқтисодий ҳамкорликдан икки томонлама манфаатдорлик, халқларимизнинг азалий дўстлиги — барчаси стратегик шериклик даражасидаги муносабатлар учун асос бўлиб хизмат қилади. Шу маънода, Президентлар томонидан имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларация ўз вақтида қабул қилинган, давр талабларига жуда мос, мамлакатларимиз ва халқларимиз манфаатларига хизмат қиладиган ҳужжат бўлиб, Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш йўлида бурилиш нуқтасини ясаган залворли қадамдир.

ЎЗА мухбири **Анвар БОБОЕВ**
ёзиб олди

ФРАКЦИЯ ЙИФИЛИШИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш кун тартибидан қатор қонун лойиҳалари ҳамда бир нечта муҳим масалалар ўрин олди.

Дастлаб депутатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Шахсий ёрдამчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва молларни қўлайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан келиб чиқадиган вазифаларни муҳожама этдилар. Бу хусусда қўйи палатанинг Аграр, сув хўжалиқи масалалари ва экология қўмитаси раиси ўринбосари Улуғбек Вафоевнинг ахбороти тингланди. Ушбу қарор ЎзХДП Дастурида белгиланган аҳолини иш билан таъминлаш масаласида муҳим аҳамиятга эгаллиги таъкидланди. Фракция аъзолари унинг жойлардаги ижросини таъминлашда иштирок этиши, унинг мазмун-моҳиятини аҳоли орасида тушунтириш ишларини олиб бориш ҳақида фикрлашиб олдилар.

Биринчи ўқишда муҳожамадан ўтиб, иккинчи ўқишда киритилаётган «Ўзбекистон Республи-

ди. Бозор ислохотлари шароитида бухгалтерия ва солиққа оид қонун ҳужжатлари мураккаблашди. Бу мамлакатимизда солиқ маслаҳатчиларининг янги, профессионал тоифасини шакллантириш ва солиқ маслаҳати институтини ташкил этиш, фаолиятининг қонуний асосини барпо этишни кун тартибига қўйди. Шу сабабли маъзур қонун лойиҳаси ишлаб чиқиш, муҳожамага киритилди.

Биринчи ўқишда киритилаётган «Фирма номлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақидаги масала фракцияда муҳожама этилди. Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси Қаҳқор Ибрагимов ахборот берди. Шунингдек, йиғилиш иштирокчилари «Ўзбекистон Республикасининг «Фирма номлари тўғрисида»ги қонун қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси (биринчи ўқиш) тўғрисидаги масалани ҳам муҳожама этдилар.

Йиғилишда фракция ваколатларига тегишли бошқа масалалар ҳам қўриб чиқилиб, улар юзасидан фракциянинг нўқтани назари белгилаб олинди.

ЎЗ мухбиримиз

«МАРФИЛОНТЕКС»ДА ЗАМОНАВИЙ ЦЕХЛАР



Фарғона. Вилоятда фаолият юритаётган қўшма корхоналар сони яна биттага кўнайдди. Улар қаторига Марғилон шаҳрида иш калава ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Марғилонтекс» ўзбек-турк қўшма корхонаси ҳам қўшилди.

Йилига 2760 тонна иш калава ишлаб чиқариш қувватига эга замонавий цехларда бугун 220 нафар ишчи меҳнат қилмоқда.

— Маҳсулотларимизда талаб қатта, — дейди қўшма корхона директори ўринбосари Авазхон Мўминов. — Айниқса, экспорт салоҳиятимизда янги имкониятлар очилаётти. Ҳозирда Россия, Туркия давлатларига йўл очилди. Йил охирига қадар яна бир цехимиз ишга тушса яна 200 та иш ўрни ҳам яратилади...

Суратда: корхонанинг бир гуруҳ қўшмалари.
М.ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган сурат

ТАИЛАНД

Таиландда бўлиб ўтган сайлов натижаларини аниқлаш давом этмоқда.

Дастлабки маълумотларга кўра, мамлакат пойтахти Бангкокда сайловчиларнинг аксарияти амалдаги бош вазир Таксин Чинаватга қарши овоз берган. Бироқ бош вазирнинг қишлоқ ҳудудларидаги позициялари кучлилиги кузатилаётган.

Пайдо бўла бошлаган коррупция ҳақидаги миш-мишларга чек қўйиш учун бош вазир сайловни муддатидан 3 йил олдин ўтказишга қарор қилди. Таксин Чинават барча айбловларни рад этиб, унинг партияси сайловчиларнинг 50 фоиз овозини ололмаसा лавозимини тарк этишини маълум қилди.

2005 йилнинг февралда бўлиб ўтган сайловда Таксин Чинават партияси парламентдаги 500 ўриндан 377гагина эгаллаган. Бироқ орадан бир йил ўтмасданқо сиёсий кучлар бош вазир истеъфосини талаб қила бошлади. Сиёсий жанжал бош вазир оиласига тегишли бўлган «Shin Corp» телекоммуникация компанияси сотилиши билан бошланди. Таксин Чинават қариндошлари компания сотилиши учун олинган солиқларнинг бир қисмини тўламаганлиги тўғрисида маълумотлар тарқай бошлади. Қўллар эса компания бошқаруви сингапурилик инвесторлар қўлига ўтганлигидан норози эди.



АВСТРАЛИЯ

Австралия бош вазир Жон Хауэрд ва Хитой ҳукумати раҳбари Вэнь Цзябао Канберра шаҳрида Австралия уранини Хитойга экспорт қилиш ҳақидаги шартномани имзолашди.

Шартномани имзолаш маросимда Австралия ташқи ишлар вазири Александр Даунинг ҳужжатда урани харбий мақсадларда ишлатмаслигининг олдини олиш учун қатъий чекловлар ақс этганини айтиб ўтди. 2010 йилдан бошлаб Австралия Хитойга йилига 20 минг тонна уран етказиб бериши кўзда тутилган.



ФРАНЦИЯ

Франция қасаба уюшмалари ва талабалар президент Жак Ширакнинг ёшларни ишга жойлаштириш борасидаги қонунни тасдиқлаш ҳақидаги қарорини қораладилар. Президент зиддиятлар келтириб чиқарган қонунни ўзгартirilган вариантга қўл қўйишни маълум қилганида, қасаба уюшмалари раҳбарлари келгуси ҳафтада намойишлар ўтказишни айтишди.

Янги қонун 26 ёшга тўлмаган ишчи ва хизматчиларни ишга олиш ва бўшатиш жараёнини осонлаштиради. Бу қонун ёрдამида ҳукумат ишчи кучи бозорининг рақобатбардошлигини ошириш учун.

Бу қонунга қарши намойишлар 3 ҳафтадан бери давом этмоқда. Янги қонуннинг ўзгартirilган вариантда ишга олинган ходимни синнов муддати 2 йилдан 1 йилга қисқартiril-

ди. Бундан ташқари иш берувчи ишчи ёки хизматчига унинг бўшатилиш сабабини тушунтириши керак бўлади.

Франция президенти бу қонун парламент томонидан тасдиқлангани ва янги ишчи ўринларини яратишга имкон бераётгани учун ҳам имзоламоқчи эканини хабар қилди. Шу билан бирга президент ёшларда пайдо бўлган ҳавотир туйғусини ҳис этаётганини билдирди.

АҚШ

Нью-Йорк қўчаларини янги муҳожирил қонундан норози бўлган минглаб намойишчилар тўлдирди. Уларнинг асосий қисми Лотин Америкасидан келган муҳожириллардир. Намойишчилар Америка Конгрессининг вакиллар палатаси томонидан қабул қилинган қонун лойиҳасига қаршилик билдиришмоқда. Унга кўра, АҚШ ҳудудида керакли ҳужжатларсиз яшаш жиноятга тенглаштирилади. Бундан ташқари янги қонун Мексика чегараси бўйлаб 1120 километрни тўсиқ барпо этишни кўзда тутган.

Шу билан бирга АҚШ сенати ноқонуний муҳожирилларга Америка фуқаролигини олишни осонлаштирувчи қонун устида ишламоқда.

ИРОҚ

АҚШ давлат котиби Кондализа Райс ва Буюк Британия ташқи ишлар вазири Жек Стро Бағдодда ташриф буюришди. Ташрифдан мақсад Ироқда миллий бирдамлик ҳукуматини тузишга қўмақлаштириш.

Стро ва Райс Ироқ президенти Жалол Талабони ва бош вазир Иброҳим Жафари билан учрашди. Жек Стро мамлакатдаги сиёсий бўшлиқ ироқликларга зарардан бошқа нарса келтирмаётганини ва зиддиятларга барҳам беришга ҳалақат қилаётганини таъкидлади.

Юқори мартабали сиёсатчиларнинг ташрифи Ироқда миллий бирдамлик ҳукуматини тузишга киришилган пайтга тўғри келди. Шанба кўни шимал альянси амалдаги бош вазир истеъфосини талаб қилишди. Уларнинг фикрича, бу ҳукумат тузиш жараёнини осонлаштирилади.

Жафари ўз фаолияти давомида қурд ва суннийлар ҳурматига эга бўла олмади. Энди эса у ўз тарафдорлари бўлган шимал норозилигига ҳам учрамоқда.

Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги «РОУТАХТ АУКСИОН» давлат унитар корхонаси 2006 йилнинг 5,12,16,19,23,26,30 май кунлари аукцион савдоларини ўтказди

Савдоларга қуйидаги объектлар қўйилади:

Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, Ни-луфар кўчаси, 28-уйда жойлашган «Найт блокки уй қуриш тажрибавий комбинати» (ЖОБД) ҳиссадорлик жамиятининг 1987 йилда қурилган «КПД-5» заводи. Заовдининг жойлашган умумий майдони 157 728

кв.метр, биналарнинг майдони 70 926,8 кв.метрини ташкил қилади. Завод сув, иссиқлик, канализация ва электр тармоғи билан таъминланган. Объектининг бошланғич нархи — 900 087 200 сўм.

Юнусобод тумани, А.Темур кўчаси, 6-уйда жойлашган «Тошшаҳарўловчистранс» АК тизимидеги транспорт хизматлари сифатини назорат этиш бошқармасининг 2001 йилда ишлаб чиқарилган д/р 10АС 717 бўлган «Нексия» русумли а/в. Бошланғич нархи — 3 000 000 сўм.

Ҳамда 2006 йилнинг 4,7,11,14,18,21,25,28 апрель ва 2,5,12,16,19,23,26,30 май, 2,6,9,13,16,20,23,27,30 июнь кунлари аукцион савдоларини ўтказди

Савдоларга Тошкент шаҳар ҳудудида жойлашган, якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган қуйидаги ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эзалик ҳуқуқи қўйилади:

Яккасарой тумани: — Ю.Раҳабий кўчасида, сатҳи 0,03 га. бўлган ер участкаси. Бошланғич нархи — 2 706 000 сўм; сатҳи 0,0189 га. бўлган ер участкаси. Бошланғич нархи — 1 704 780 сўм. Шайхонтоҳур тумани: — Қозиробод 2-тор кўчасида, сатҳи 0,017 га. бўлган ер участкаси. Бошланғич нархи — 571 200 сўм; — «Қоратош» даҳаси, Чақар маҳалласи, Қураш кўчасида сатҳи 0,025 га. бўлган ер участкаси. Бошланғич нархи — 1 988 000 сўм; — Каттабў 7-тор кўчасида, сатҳи 0,012 га. бўлган ер участкаси. Бошланғич нархи — 454 608 сўм. Юнусобод тумани: — Соҳибкор кўчасида, сатҳи 0,04 га. дан бўлган иккита ер участкаси. Ҳар бирининг бошланғич нархи — 1 804 800 сўмдан; — Орифов кўчасида, сатҳи 0,03 га. бўлган ер участкаси. Бошланғич нархи — 1 169 280 сўм. — «Хасанбой» даҳаси, 1-мавзёда, сатҳи 0,04 га. бўлган ер участкаси. Бошланғич нархи — 946 400 сўм;

2-мавзёда, сатҳи 0,03 га. бўлган ер участкаси. Бошланғич нархи — 709 900 сўм; сатҳи 0,025 га. бўлган ер участкаси. Бошланғич нархи — 591 500 сўм; — Минг Урик 1-тор кўчасида, сатҳи 0,04 га.дан бўлган иккита ер участкаси. Ҳар бирининг бошланғич нархи — 1 682 772 сўмдан; — А.Дониш кўчасида, сатҳи 0,015 га. бўлган ер участкаси. Бошланғич нархи — 493 200 сўм. Мирзо Улуғбек тумани: — Хусанбоев кўчасида, сатҳи 0,015 га. бўлган ер участкаси. Бошланғич нархи — 330 120 сўм; — Устабоев кўчасида, сатҳи 0,0085га. бўлган ер участкаси. Бошланғич нархи — 131 733; — Ҳ.Абдуллаев кўчасида, сатҳи 0,04 га.дан бўлган учта ер участкаси. Ҳар бирининг бошланғич нархи — 1 372 800 сўмдан; сатҳи 0,03га. бўлган ер участкаси. Бошланғич нархи — 1 029 600 сўм;

— Олмачи кўчасида, сатҳи 0,04 га.дан бўлган иккита ер участкаси. Ҳар бирининг бошланғич нархи — 1 716 000 сўмдан; сатҳи 0,02 га. бўлган ер участкаси. Бошланғич нархи — 858 000 сўм. Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Олмачи кўчасида жойлашган, ободонлаштириш ишлари учун мўлжалланган, майдони 0,018 га. бўлган ер участкасининг фойдаланиш ҳуқуқи қўйилади. Бошланғич нархи — 1 801 800 сўм. Савдоларда қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 10% миқдордаги закатат пулини «РОУТАХТ АУКСИОН» ДУК АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар. Аризалар қабул қилиш ер участкаларига савдодан уч кун аввал, қолган объектлар учун савдодан бир соат аввал тўхтатилади. Савдолар соат 11.00 да бошланади. Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароунаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади. Мурожаат учун телефонлар: 133-23-40, 133-02-49. Гувоҳнома №0008115

